

“Ўзкимёсаноат” АЖда “Энг фаол инноватор аёл” кўрик-танлови республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

// 13.03.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-eng-faol-innovator-ayol-kurik-tanlovi-re>



Танлов “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарида фаолият юритаётган, жамоат ишларида фаол, 50 ёшгача бўлган мутахассис хотин-қизлар ўртасида ўтказилди.



Танлов иштирокчилари томонидан энергия тежамкор, экологик муаммоларга ечим берадиган, ишлаб чиқариш жараёнларини мукаммалластирувчи, импорт ўрнини қопловчи, корхона харажатларини тежовчи ва қўшимча иш ўринлари ҳамда даромад келтирувчи жами 22 та инновасион ғоя ишланмаларини тақдим этилди. Аҳамиятлиси, айrim корхоналарда ушбу аёллар билдирган таклиф ва ишланмалар кўриб чиқилиб, ишга тушириш босқичида турибди.



[uzkimyosanoat](#)




[uzkimyosanoat.uz](#)




(+99878) 140-74-26





Ишчи гурӯҳ томонидан барча лойиҳалар чуқур таҳлил қилиниб, энг муносаблари тақдирланди.



Натижалар эса қуидагида бўлди:

- 1-ўрин - Ҳилола Кароматова - "Навоийазот" АЖ уста-технологи
- 2-ўрин - Ирода Тожиддинова - "Махам-Чирчиқ" АЖ марказий лабораторияси муҳандиси
- 2-ўрин - Гулсанем Шразова - "Кўнғирот сода заводи" МЧЖ ҚК Инновация сектори муҳандиси кимёгари
- 3-ўрин - Зумрад Абдурахманова - "Максам-Чирчиқ" АЖ марказий лаборатория муҳандиси
- 3-ўрин - Гулчехра Рахимова - "Навоийазот" АЖ электрик чилангари
- 3-ўрин - Зоре Велиляева - "Ўзкимёсаноатлойиҳа" АЖ етакчи муҳандисига насиб этди.



Тақдирлаш маросимида "Ўзқимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Евгений Коржиков иштирок этди ва ғолибларни ажойиб натижа билан қутлади.



uzkemyosanoat



uzkemyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26



1-ўрин -20 млн сўм, 2-ўрин - 12 млн сўм ва 3-ўрин соҳибалари - 7 млн сўмдан пул мукофотлари, эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланишди.



  uzkemyosanoat

  uzkemyosanoat.uz

 (+99878) 140-74-26

Танловда фаол иштирок этган барча хотин-қизларга бошқаруви раиси номидан фахрий ёрликлар тақдим этилди.